

Асад ибн Солҳаб қиссаси



06:00 / 14.02.2019 3302

Абдурроҳман ибн Мусъаб айтади: “Куфада бир киши бор эди. Унинг исми Асад ибн Солҳаб бўлиб, обидлардан эди. Бир куни у Фурот дарёси бўйида турганида, ўша ердаги бир кишининг

خَالِدُونَ جَهَنَّمَ عَذَابٍ فِي الْمُجْرِمِينَ إِنَّ ٧٤

“Албатта, жиноятчилар жаҳаннам азобида абадий қолурлар”.

مَبْلِسُونَ فِيهِ وَهُمْ عَنْهُمْ يُفْتَرُونَ لَا ٧٥

“У улардан енгиллатилмас ва улар у (азоб)да ноумид ҳолда қолурлар” (Зухруф сураси, 74-75-оятлар). (Яъни, азоб аҳли жаҳаннамдан ҳеч енгиллатилмайди. Улар ўша азоб ичида ноумид бўлган ҳолларида абадий қолиб кетадилар) деб тиловат қилганини эшитидию, сувга йиқилиб, вафот этди. Аллоҳ раҳматига олсин!”